

6-

1.

2.

3.

4.



•




•

•


1.

(,)






Асослари ўзаро параллел текисликларда ётган
иккита кўпбурчакдан ва ён ё лари эса иккала асос
учларидан иборат учбурчаклар ва трапециялардан
иборат бўлган кўпё лик *призматоид* дейилади.




Мунтазам қавариқ кўпёқликлар ўзаро тенг бир хил мунтазам кўпбурчаклардан иборат ёқларга, ўзаро тенг икки ёқли бурчакларга ва ўзаро тенг қирраларга эга бўлади. Бу кўпёқликлар асосан беш хил бўлиб Платон жисмлари деб юритилади.




Тетраэдр



Гексаэдр



Октаэдр



Додекаэдр



Икосаэдр



Юлдузсимон октаэдр




Юлдузсимон додекаэдр

Агар абстракт математик сиртлар юпқа, эгилувчан ва чўзилмайдиган пленкадан иборат бўлса, у ҳолда сиртларни эгиш йўли билан йиртмасдан, чўзмасдан ва букмасдан текислик билан устма-уст жипслаштириш мумкин. Шундай хусусиятларга эга бўлган сиртлар *ёйиладиган сиртлар*, уларнинг текислик билан жипслашиб ҳосил қилган шакллари эса *ёйилма* дейилади.


Сиртларни текислик устида ёйиш техника масалаларидан ҳисобланиб, машинасозлик, самолётсозлик, курилиш иншоотлари ва бошқа соҳаларда ишлатиладиган маҳсулотлар, масалан, патрубклар, ҳаво сўриш трубалари каби буюмлар, яхлит листларни эгиш йўли билан тайёрланади.

Шундай буюмларни лойиҳалаш ҳар хил конструкцияларнинг шакллари ҳосил қилиш учун, аввало сиртларнинг ёйилмалари яхлит листларда ясалади ва улардан ишлаб чиқаришга керакли бўлган намуналар тайёрланади. Ёйилувчи сиртларга қиррали сиртлар (цилиндр, конуслар) чизикли ёйилувчи сиртлар текислик устидаги киради. Бу сиртларни текислик кесмасининг ёйилмасида тўғри чизик кесмасининг узунлиги, ўзаро кесишувчи сиртга тегишли орасидаги бурчаклар ва сиртга тегишли ёпиқ майдон юзасининг қийматлари ўз ҳолатларини сақлаб қола-ди. Бундай ҳолат изометрик мослик бўлиб, эгилиш дейилади. Сиртларни ёйишда нормал кесим, юмалатиш ва учбурчаклар усулларидан бири қўлланади.

Пирамида ёйилмаси



Призма ёйилмаси



Призма сиртини ёйиш. Призма сиртини текисликка ёйиш учун уларнинг ясовчилари ва нормал кесимининг α и β катталиклари маълум бўлиши керак. Призма ясовчиларнинг α и β катталиги, кўпинча, проекциялар текисликларини алмаштириш усули билан аниқланади.

Призма сирт ясовчиларига перпендикуляр α и β азилган текислик билан сиртнинг кесишган чизи l (нормал кесими) нинг α и β кўриниши проекциялар текисликларини алмаштириш ёки айлантириш усуллари билан аниқланади. Кейинги шаклда уч ёки беш призманинг ёйилиши кўрсатилган.

